

## ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИ ХУДУДИНИНГ ТАБИЙ-ГЕОГРАФИК ШАРОИТЛАРИ

**Далжанов К.О**

*Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети иқтисодий география кафедраси ассистенти*

**Кеунимжаева А. А**

*Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети Экология ва тупроқшунослик кафедраси Агрофизика ва агротупроқшунослик йуналиши 1 босқичи докторанти*

**Султашова О. Г**

*Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети Табiiйий география ва гидрометеорология кафедраси доценти, г.ф.н.*

### ARTICLE INFO.

**Калит сузлар:** Плато, дўнг бархан, дельталар, рельеф, геоморфология, грунт сув

### Аннотация

Маколада жанубий оролбўйи хуудининг табиий-географик шароитлари хақида суз кетади. Қорақалпоғистон хуудидининг геоморфологик районларини ва уларни хусусиятларини тарифлаб берилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2023 LWAB.

Қорақалпоғистон Республикаси Амударё дарёси этаклари ва Орол денгизининг йирик Қорақум ва Қизилқум қумлари билан тутшиб кетган жанубий соҳилида жойлашган. Қорақалпоғистон Республикаси хуудиди Қизилқум чўлининг шимоли-ғарбий қисмини, Устюрт платосининг жануби-шарқий қисмини, Амударё дарёси дельтасини, Орол денгизининг жанубий қисмини эгаллаган. Орол денгизи томон эгилган тизма дўнг бархан қумлари билан қопланган кенг ясси текисликлардан иборат [1, 2].

Амударёнинг қадим ва ҳозирги замонавий дельталари хуудлари, асосан, текислик юзасидан иборат бўлиб, жуда кучсиз нишабликни ( $0,0001-0,0002^{0^{\circ}}$ ) ташкил этади, нисбатан бир хил кўринишдаги текис ерлар, ҳозирда ҳаракатдаги ва ўз оқим фаолиятини тугатган дарё ўзанлари бўйлаб ястаниб ётган кўтарилма полоса ва ўзанлараро пастқам ерлар умумий текислик кўринишини бир қатор мураккаб рельеф кўринишларига олиб келган. Ўзанлар бўйи «валлари» (кўтарилма ерлар) нинг баландлиги ўзанлар ўлчами ва дельта хуудидида жойлашишига боғлиқ ҳолда дельтанинг юқори қисмида 4-6 метрни, пастки қисмида 1-2 метрни ташкил этади [2].

Амударё шаклланиш тарихида бир нечта мустақил дельталарни, жумладан, Жанубий Хоразм, Ақчадарё, Сарикамиш ва Орол бўйи дельталарини ҳосил қилган. Оролбўйи дельтаси - шартли дарё ётқизикларидан ташкил топган аллювиал текислик бўлиб, ўзининг чегара доирасида ғарбда Устюрт платоси, жануб ва шарқда Қорақум ва Қизилқум геоморфологик районларидан аниқ ажралиб туради. Амударёнинг қуйи хуудлари рельефи ва геоморфологик тузилишининг шаклланиши, биринчи навбатда, шу ном билан аталувчи дарё фаолияти билан боғлиқ. Амударё

дельтасида ҳосил бўлган ётқизиклар ҳам ёши, ҳам литологик тузилишига кўра турлича бўлиб, бу ҳудудда уч хил ёшдаги ётқизикларни ажратиш мумкин: қадим, Даудан дарёси фаолияти билан боғлиқ энг ёш – ҳозирги ётқизиклар. Амударёнинг қадим ва ҳозирги замонавий дельталари тупроқларининг кўп асрлар давомида лойқа сувлар билан суғориш тупроқ ҳосил бўлиш жараёнларига катта таъсир кўрсатган, тупроқ юзасида турли қалинлик ва механик таркибдаги (литологик тузилишдаги) агроирригацион горизонтлар ҳосил бўлган, натижада гумусли қатлам қалинлиги чўзилган, озика элементлари бир текисда тарқалган, тупроқларнинг механик, петрографик, минерологик ва умумий кимёвий таркибларида дифференцияланиш содир бўлган [2].

Н.В.Кимберг [3,2] ва бошқалар томонидан Қорақалпоғистон ҳудудида қуйидаги геоморфологик районлар ажратилган:

1. Амударё ҳозирги дельтасининг «Тирик» қисми;
2. Амударёнинг ҳозирги замонавий дельтаси;
3. Амударёнинг қадимий дельтаси (Амударё дельтаси);
4. Қизилқум;
5. Устюрт;
6. Супа - қадимги нурашга учраган қолдиқ тоғлар;
7. Султон Увайс паст тоғлари;
8. Тоғолди текисликлари;
9. Тўртламчи ёшдаги денгиз ётқизиклари.

Юқорида тилга олинган муаллифлар томонидан ажратилган геоморфологик районлар бўйича тупроқ-географик районлаштириш ишлари ўтказилган ва қуйидаги тупроқ-географик районлар ажратилган:

### ***I. Амударё дельтаси***

1. «Тирик» дельта қайир-аллювиал тупроқлари райони;
2. «Тирик» дельта автоморф тупроқлари райони;
3. «Замонавий» дельта суғориладиган ўтлоқи тупроқлари райони;
4. «Замонавий» дельта автоморф тупроқлари райони.

### ***II. Ақчадарёнинг қадимий дельтаси***

1. Амударё райони суғориладиган ўтлоқи тупроқлари;
2. Тўрткўл райони қалин агроирригацион горизонтли суғориладиган ўтлоқи тупроқлари;
3. Ақчадарё райони автоморф тупроқлари.

### ***III. Устюрт***

1. Марказий Устюрт шарқий қисми кўтарилма ерлар сур тусли қўнғир тупроқлари райони;
2. Шимолий Устюрт шўрхоқли ботиклик райони (Жарин-қудук);
3. Борса-Келмас шўрхоқли ботиклик райони;
4. Қора-Баур кўтарилма ерлари сур тусли қўнғир тупроқлари райони;
5. Ассака-Каудан ва Сарикамиш шўрхоқли чўкма ерлари райони;

6. Жанубий Устюрт кўтарилма ерлари сур тусли кўнғир тупроқлари.

#### **IV. Қизилқум платоси**

1. Қорақалпоғистон қизил қум сур тусли кўнғир тупроқлари ва қумлар райони;

2. Белтоғ кўтарилма ерлари сур тусли кўнғир тупроқлари райони.

#### **V. Султон Увайс наст тоғлари**

1. Сур тусли кўнғир тупроқлари, қисман қоялар аралашган қоя, кучли нишабли қиялик ва тўкилма тошлар райони;

2. Тоғости текисликларидаги сур тусли кўнғир тупроқлари райони.

#### **VI. Орол денгизбўйи аккумулятив текислиги**

1. Денгиз бўйи шўрхоқлар райони.

Ҳозирги вақтда Амударё дельтасида мавжуд барча кўллари ўзларининг озикланиш режимига кўра 3 гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Дарё сувларидан вужудга келган кўллар;

2. Коллектор сувларидан озикланадиган кўллар;

3. Аралаш сувлар базасида ҳосил бўлган кўллар.

Суғориладиган ерлар ҳудудида шаклланадиган қайтма сувларнинг асосий қисми дельта ички ва денгизбўйи кўлларига ташлаб юборилади, ҳозирги вақтда бу оқова сувлар Орол денгизигача етиб бормайди, пастқамлик ва ботиклик ерларда сингиб кетади. Қорақалпоғистон Республикаси суғориладиган ҳудудларида шаклланадиган коллектор сувларининг умумий ҳажмига нисбатан 70-73% сувлар шимолий минтақа ерларига тўғри келади, яъни Суенли ва Дўстлик каналлари тизимидан ҳосил бўлади. Тавсифланаётган ҳудудда грунт сувларининг шаклланиши ва режими жойнинг литологик-геоморфологик хусусиятлари, иқлими ва ер усти сувлари режимлари билан белгиланади. Ҳудуднинг жуда кучсиз нишаблиги, тупроқ грунтларнинг юқори чангсимонлиги, кескин қатламлилиги ва уларнинг маълум даражада «қатламли экран» ни шакллантириши туфайли умумий ер ости оқими ўта қийинлашган, ер юзасига яқин кўтарилган, грунт сувлари оқимининг ҳаракатланиш тезлиги йилига бир неча ўн сантиметрни ташкил этади[4,5].

Грунт сувларининг ҳудуддаги энг юқори сатҳи ёз ойларига (июль-август), Амударёнинг суви энг максимал камайган муддатларига тўғри келади. Айрим йилларда грунт сувларининг юқори ҳолати қишда (январь-февраль) кузатилади, бу жараён дарёда музларнинг тиқилиб қолиши оқибатида дарёда сув сатҳининг кўтарилиши билан боғлиқ[2]. Грунт сувларининг қишда кўтарилиши маҳаллий қайта тақсимланиши билан текисланса (силлиқлашиб борса), баҳорги кўтарилиш (март-апрель) грунт сувларининг буғланишга сарфланиши ҳисобига содир бўлади. Баҳорда грунт сувларининг сатҳи 2-2,5 метргача пасаяди, ўртача йиллик пасайиш 1,2-2,1 метрни ташкил этади[4]. Ҳозирда Амударё водийси грунт сувларининг кўп йиллик режими дарё сувлари сатҳининг тебраниб туриши билан белгиланади. Амударё дельтаси грунт сувларининг минераллашганлик даражаси йил давомида сезиларли диапазонда ўзгариб туради.

#### **Адабиётлар**

1. Ўзбекистон суғориладиган ерларининг мелиоратив ҳолати ва уларни яхшилаш. // Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва Давлат кадастри Кўмитаси. Ўзбекистон Давлат ер тузиш илмий-лойиҳалаш шўъба корхонаси. Тошкент, Университет нашриёти – 2018. Б. – 12-23.
2. Герасимов И.П. Почвенно-мелиоративной очерк дельты и долины р.Амударьи. // Тр.СОПС АН СССР, сер.КК АССР, вып.6, М-Л, 1935. С. 101- 115.

3. Кимберг Н.В. О направлении развития почвенного покрова дельты Амударьи. // Изд. АН УзССР. Кн. №3-Ташкент, 1953. - С 17-23.
4. Kurvantaev R., Sultashova O., Kewnimjaeva A. General physical
5. Characteristics of the lower Amudarya soils. Science and Education in Karakalpakstan. 2022 №2/2 Zhumamuratov M.A., Zhumamuratov A., Khatamov Sh., Osinskaya N.S., Rakhmanova T.P. Neutron activation analysis of natural water in the Northern Aral region. // Environment physics conference. 24-28 Feb. 2004. – Egypt, 2004 -34 p.